

bo'yicha bellashuvchi tele-shoular yaratish mumkin. (Bunday amaliyotni Polsha tajribasida<sup>311</sup> ko'rishimiz mumkin).

Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning yangi bosqichiga o'tgan Yangi O'zbekistonda ham yaqin keljakda aholini moliyaviy savodxonligini oshirishga qaratilgan uzoq muddatli strategiya ishlab chiqilishi va hayotga tatbiq etilishini zamon taqozo etmoqda.

Muxtasar qilib aytganda, hayotimiz mazmuni komillikka intilishdan iboratligini hammamiz bilamiz. Shu bois, komil inson bo'lishga hammamiz intilamiz. Buning uchun, eng avvalo, ma'naviy jihatdan boy-barkamol bo'lishimiz kerak. Bu - tabiiy, albatta. Biroq, bizningcha, birgina ma'naviy jihatdan boy bo'lishning o'zi komillik uchun yetarli emas. Buning uchun yana moddiy (moliyaviy) jihatdan ham boy-baquivvat bo'lishimiz kerak.

## **МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МОНЕТАР ОМИЛЛАРИНИ ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*С.М.Холжўёжаев  
ТДИУ тадқиқотчиси*

Ҳар қайси иқтисод тизимида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш миллий иқтисодиёт доирасида, жаҳон хўжалигида ҳам энг устувор масалалардан бири сифатида қаратилади. Иқтисодиётни ривожлантириш асосан учта йўналишда амалга оширилади, биринчиси бу бозор механизмлари орқали, яъни бозорнинг ўзининг объектив талаблари асосида иқтисодиёт ривожланиб, барқарорликнинг айrim йўналишлари объектив иқтисодий жараён сифатида шаклланади, иккинчиси бу давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш орқали миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб боради, бозор муносабатларида ҳал этиб бўлмайдиган масалалар давлатнинг зарурӣ инструментларини қўллаш орқали таъминланади ва учинчиси бу ташқи омиллар бўлиб, миллий иқтисодиётнинг бошқа ташқи бозорлар билан ўзаро алоқасини ташкил килиш ва уни ривожлантиришнинг зарурлиги ва шу каби йўналишларда юз беради.

Макроиқтисодий барқарорликка иқтисодиётнинг турли соҳаларида мутаносиб давлат сиёсатини олиб боришни тақозо этади, давлат бунга иқтисодий сиёsat юритиш орқали эришади, бу жараёнда эса, жамиятни оқилона тартибга солиш ва иқтисодий сиёsatнинг мослашувчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қараганда мутаносиб иқтисодий ривожланишни таъминлаш, инқизорзларнинг олдини олиш ва иқтисодий ўсиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг шарти бўлади.

<sup>311</sup> Повышение финансовой грамотности населения: польский опыт / <http://fingramota.org/lichnye-finansy/lichnyj-byudzhet/item/1313-po-vyshenie-finansovoj-gramotnosti-naseleniya-polskij-opryt>

Макроиқтисодий барқарорлик ўз ўзидан таъминламайди, албатта, уни таъминлашнинг бозор механизмлари ҳам мавжудки, бу етарли бўлмайди, бу эса уни таъминловчи ва унга таъсир этувчи таъсир омилларининг жиҳатларини ҳам кўриб чиқишини тақозо этади. Макроиқтисодий барқарорлик - иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини, паст инфляция даражасини, мувозанатли бюджетни, молия тизимининг барқарорлигини ва иқтисодий сиёсатнинг прогноз қилинишини таъминлайдиган ҳолатидир. Унинг мавжудлиги ёки йўқлиги мамлакат иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан биргалиқда унинг мавжуд бўлиши бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши билан биргалиқда унинг институционал асослари ҳам мавжуд бўлади, бу иқтисодий объективликдир.

Макроиқтисодий барқарорликка иқтисодий омилларнинг таъсирининг натижаларини назарий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, аввало унинг ижобий таъсирларини кўрадиган бўлсак, ЯИМнинг барқарор ўсиши уй хўжаликлари даромадларининг ўсишига олиб келади, диверсификацион иқтисодиётнинг шаклланиши эса, инқирозга қаршиликни кучайтиради, юқори даражадаги сармояларнинг жалб қилиши ёки иқтисодиётга киритилиши иқтисодиётнимдернизация ва инновация қилишга имкон беради. Иқтисодий омиллар иқтисодиётнинг узоқ муддатли барқарорлигини ва ташки таҳдидларга мослашиш қобилиятини белгилайди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, инвестицияларни рағбатлантириш ва рақобатбардошликни мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Макроиқтисодий барқарорликнинг монетар омиллари катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Макроиқтисодий барқарорликнинг монетар (пул) омиллари пул массаси, фоиз ставкалари, инфляция ва валюта сиёсатини тартибга солиш билан боғлиқ. Бу омиллар Марказий банк томонидан бошқарилади ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий роль ўйнайди.

Макроиқтисодий барқарорликнинг асосий монетар омиллари иқтисодиётда асосан инфляция ва пул массасини назорат қилишга қаратилган бўлади, ўртача инфляция (2-5%) нархларни прогнозлаш ва иқтисодий барқарорликка ёрдам беради. Гиперинфляция харид қобилиятини пасайтиради ва ишлаб чиқариш харажатларини оширади, дефляция (паст нархлар) талабнинг пасайшига ва иқтисодиётнинг секинлашишига олиб келади, марказий банк пул массаси ва фоиз ставкаларини бошқариш орқали инфляцияни тартибга солади.

Иқтисодиётда юқори фоиз ставкалари кредит олиш имкониятини чеклайди, инфляцияни пасайтиради, лекин иқтисодий ўсишни секинлаштиради, паст фоиз ставкалари сармоя ва истеъмолни рағбатлантиради, аммо иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари қизиб кетишига олиб келади, асосий ставкани ўзгартириш эса, Марказий банк кредитлар нархига ва иқтисодиётга инвестициялар даражасига таъсир қилишига олиб

келади. Бу ерда қалюта курсининг барқарорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Валюта курсининг кескин ўзгариши бизнес, инвесторлар ва ташқи савдо учун хавфларни оширади, заиф валюта экспортни рақобатбардош қилади, лекин импорт нархини оширса, кучли валюта инфляцияни пасайтиради, лекин экспорт имкониятларини ёмонлаштириши мумкин.

Жаҳон амалиётда Марказий банк валюта интервенцияларини амалга ошириши ёки сузуви курс режимидан фойдаланиши кўп учрайди. Ҳақиқатдан ҳам иқтисодиётда ортиқча пул таклифи инфляцияга олиб келиши мумкин, ликвидликнинг этишмаслиги иқтисодий ўсишни секинлаштиради, пул массасини очиқ бозор операциялари, банк заҳиралари ставкалари ва дисконт ставкалари орқали тартибга солиш макроиқтисодий барқарорликка таъсир қилади.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак**, макроиқтисодий барқарорликнинг монетар омиллари инфляция, фоиз ставкалари, валюта курслари ва банк тизимиға таъсир қилувчи пул-кредит сиёсати воситалариdir. Уларнинг малакали тартибга солиниши мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш имконини беради. Пул омиллари макроиқтисодий барқарорликнинг асосидир. Инфляция, пул массаси, фоиз ставкалари ва валюта курсларини тўғри бошқариш иқтисодий инқирозлардан қочиш, мамлакатнинг барқарор ўсиши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Макроиқтисодий барқарорликнинг монетар (пул) омиллари пул муомаласини, фоиз ставкаларини ва кредитлашни тартибга солиш билан боғлиқ. Улар инфляция даражасини, иқтисодиётда пул мавжудлиги ва молия тизимининг барқарорлигини белгилайди. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда пул омиллари асосий роль ўйнайди. Тўғри пул-кредит сиёсати инфляцияни назорат қилиш, кредитлар мавжудлигини таъминлаш, валюта курси барқарорлигини сақлаш ва инқирозларнинг олдини олиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. G. Di Bartolomeo, E.Saltari. Theoretical Foundations of Macroeconomic Policy. Sunrise Setting Ltd, Brixham, UK, 2017.
2. N.Gregory Mankiw. Macroeconomics. 8 th edition. Harvard University. (NY.: Worth Publishers, 2013).
3. Абулқосимов Х.П ва бошқалар. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. Академия. 2007 й.
4. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика:Учебник. 10-е изд.перераб. и доп. – М.: Издательство «МФПУ Синергия», 2013.
5. G'E. Zaxidov, M.T. Asqarova, Z.A. Djumayev, L.F. Amirov, H.A. Hakimov. Makroiqtisodiyot. Darslik. – T.: «IQTISODIYOT». 2019-y. 309-b.
6. Maxmudov N.M., Avazov N.R. «O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishda investitsiyalardan samarali foydalanish yo'llari»: Ilmiy-ommabop risola. – T.: TDIU, 2019-y. 104-b.